

## АХБОРОТ ОҚИМИДАГИ ТАҲДИДЛАР

*Н. ДУСИМБЕТОВА,  
ЎзДЖТУ ўқитувчиси,  
Х. ЭШОВА,  
ЎЗМУ Журналистика  
факультети 2-курс магистри*

Глобаллашув жараёнида компьютер технологиялари шиддат билан ривожланиши натижасида ахборот оқими тобора тезлашиб, ер шарига барча инсонлар тафаккурига ўз таъсирини ўтказётган ахборот асрида яшамокдамиз. Инсоният тараққиётининг муҳим босқичи сифатида қаралган ахборот технологияларини ривожланиши, ахборот алмашинувини янги кўринишлари вужудга келиши кўплаб ахборотлар тарқалишига олиб келди. Айнан шу даврлардан бошлаб мутахассислар томонидан “ахборот хуружи”, “ахборот учун кураш”, “оммавий маданият” тушунчалари ишлатила бошланди. XXI асрнинг бошига келиб, янги заҳиралар, бойликлар учун кураш умуман янги шаклда гавдаланди. Эндиликда бирон-бир давлатни босиб олиш учун қурол-аслаҳа, катта қўшин талаб қилмайди. Аксинча, бу учун ўша давлат аҳолисининг онгини заҳарлаш, менталитет ва миллий қадриятлари учун ёт бўлган ғояларни сингдиришнинг ўзи кифоядир.

Информацион жараён ижобий бўлишдан ташқари ўзининг салбий томонлари билан ўзига хос маънода фожeadир. Тараққиёт жараёнида ҳар бир ахборот кучли стратегик мақсадда амалга оширилади. Шу сабаб интернет орқали тарқалаётган салбий ахборот бугунги куннинг глобал муаммоларидан бири ҳисобланади.

Юртбошимиз айтганларидек, “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз холига, ўзбўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”.

Шу ўринда айтиш жоизки, XXI асрда ахборотга бўлган талаб юқорилиги боис, инсон ўзига керакли бўлган турли хил маълумотларни олади. Бироқ, Интернет орқали тарқалаётган ахборотларнинг холис ёки ҳаққонийлигига ишониш долзарб масаладир. Хусусан, Интернетдаги айрим хабарлар бузғунчилик ҳаракатларини содир этишга ундаётгани ҳаммага маълум. Шу сабаб бундай ахборотларни тарқатиш усулларида турли экстремистик гуруҳлар, бузғунчи ташкилотлар фойдаланиб келаётганлиги бутун дунёни ташвишга солмоқда.

Сиёсий жараёнларнинг мотивлари ҳамда шахсни сиёсий тарбиялаш, ахборот хуружларига қарши иммунитетни шакллантириш ва ривожлантириш масалаларининг моҳиятини билиш ва уларга фаол таъсир кўрсатиш талаб қилади. Шунинг учун ҳам Давлатимиз ёшларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини йўналтириш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий онгини шакллантиришга жуда катта эътибор қаратмоқда<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда ёшларга бўлаётган эътибор ва яратиб берилган шарт-шароитлар, бу борада жадаллик билан амалга оширилаётган ислохотлар баркамол авлодни шакллантиришга, ўзининг мустақил фикрига эга бўлган, ўз фикрини эркин баён эта оладиган, кенг мушоҳадали, ёт ғояларга қарши тўра оладиган ёшларни тарбиялашга, Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашида ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган комил инсон тарбиясига қаратилгандир.

---

<sup>1</sup> Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. –Т.: Маънавият, 2000 й. Б-1.

“Бугунги кескин ва мураккаб вазиятдан тегишли хулосалар чиқариб олиш керак. Авангард бўла оладиган ёшларнинг майда-чуйда ишларига аралашидан дўстона ҳамкорлик қилишга ўтиш даркор. Ҳаммамиз ёшлар орасидаги вазиятни ўрганишимиз ва билишимиз, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда, чинакам ватанпарвар ва байналмилалчи инсонларни тайёрлашда уларга ёрдам беришимиз лозим”<sup>2</sup>.

Ёшларнинг интеллектуал қобилиятлари ва имкониятларини юзага чиқариш муаммоси, уларни маънавий камол топтириш, меҳнат фаолиятида шахсий ва ижтимоий манфаатларни уйғунлаштириш, Ватан тараққиёти эҳтиёжларини англаб яшашга, самарали меҳнат қилишга ўргатиш, ижтимоий фаоллигини ошириш жамиятимиз олдида муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш вазифасини мақсад қилиб қўймоқда..

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда Юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган барча соҳалардаги ислохотларда кўзда тутилган асосий мақсад ҳамда вазифалардан бири жамиятнинг келажаги бўлган маънавий-ахлоқий тарбияланган, мустақил фикрловчи, иродали шахсни тарбиялаб, вояга етказишдир. Бундай шахслар масъулият ва фидойилик билан энг аввало Ватанга, онгли равишда жамият манфаатига хизмат қилади ва унинг равнақиға ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиздир.

---

<sup>2</sup> Каримов И. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Т.: Ўзбекистон, 2011й. Б-62.